

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

7/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/7 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Umurqulov Kamoliddin*

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI ..... 9-12

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 13-22

*Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna*

SOVET DAVRIDA KITOB TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA

AMALIYOTLARI ..... 23-30

*Сабитова Коринна Сабировна*

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В  
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ ..... 31-37

*Vaxabov Azizjon Xamidovich*

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKALARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA  
ELCHILIK ALOQALARI ..... 38-44

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich*

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH  
MASALALARI ..... 45-51

*Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboevna*

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQARISHIDA TEXNIK SALOHIYATDAN FOYDALANISHNING  
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI ..... 52-57

*Самадов Салоҳиддин Исматович*

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ..... 58-66

*Хуррамов Азамат Файзуллаевич*

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ ..... 67-74

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Sharipov Abdukhakimjon Ziyoitdinovich*

YANGI O'ZBEKİSTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVIY O'ZGARİSHLAR  
DİNAMİKASI ..... 75-80

*Mustafaev Alimardon Alijonovich*

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT  
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT ..... 81-89

*Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich*

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" ..... 90-95

*Shadmanov Qurbon*

FRENСIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH  
G'OYALARI ..... 96-101

*Usmonov Farkhod Lapasovich*

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION ..... 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA  
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI ..... 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI ..... 116-121

*Xudoynazarova O'g'lonoj Allamurodovna*

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI ..... 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR  
TASNIFI ..... 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL ..... 133-138

*Aripova Aziza Xasanovna*

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI ..... 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN  
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) ..... 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI ..... 149-153

*Zokirova Шахзода Нодиржон қизи*

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ ..... 154-158

*Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna*

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE ..... 159-163

*Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi*

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI ..... 164-169

*Negmatova Mumtozbegim*

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR ..... 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN  
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI ..... 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY  
MASALALARI ..... 179-183*Сеитниязов Камарбек Параҳатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИННИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 184-191

Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич  
ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА  
НАЗОРАТИ ..... 192-198

*Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li*  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING  
HUQUQIY ASOSLARI ..... 199-210

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли  
ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ..... 211-218

### 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

*Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna*  
RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'R  
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI ..... 219-222

*Rabbimova Nodira Tashtemirovna*  
FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING  
PEDAGOGICAL APPROACHES ..... 223-227

*Сайдова Камола Усканбаевна*  
КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
МЫСЛИ ..... 228-233

*Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна*  
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАҶНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ ..... 234-239

*Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович*  
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ ..... 240-245

*Buronova Iroda*  
UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI  
RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI ..... 246-250

*Matyakubova Feruza Egamovna*  
ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND  
MODERN EDUCATION ..... 251-254

Received: 10 September 2024

Accepted: 15 September 2024

Published: 25 September 2024

*Article / Original Paper*

## **SOCIO-PEDAGOGICAL NEED TO PREPARE FUTURE EDUCATORS FOR SPIRITUAL EDUCATION ACTIVITIES**

**Khudoynazarova Dilrabo Abdurashidovna**

Independent researcher

**Abstract.** The promising civilization of any society depends on its educational status, the composition and essence of a new educational system, a clear educational culture. Only a high level of education is the only factor that ensures the future of society, the state and the nation, determines its prestige over the world. The article will talk about the social pedagogical need to prepare future pedagogical psychologists for the activities of spiritual and spiritual education.

**Keywords:** educator, psychologist, spirituality, psyche, education, upbringing.

## **БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ**

**Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна**

Мустақил тадқиқотчи

**Аннотация.** Ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янгича таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини таъминлайдиган, дунё узра нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади. Мақолада бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлашнинг ижтимоий педагогик зарурати хақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Педагог, психолог, маънавият, руҳият, таълим, тарбия.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N35>

**Кириш.** Ҳозирги кунда мустақил давлатимизнинг ягона мақсади инсонпарвар, демократик-хуқуқий жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласди. Ушбу мақсадларни ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқарашиб ҳамда тафаккур кўламини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зеро юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меъросни жамиятга намойиш этиш, мустақил Республикализнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашини таъминлаш ёш авлодни комил инсон ва малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Association for Educational Communications and Technology — АЕСТ (АҚД1), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия); Чунг-Анг университети (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда [1].

Бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: маънавий-руҳий тарбия технологияларини ишлаб чиқишига доир халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (Association for Educational Communications and Technology — АЕСТ); бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши механизмлари такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини самарали ташкил этишига йўналтирилган, тарбиявий вазифаларини лойиҳалаш, маънавий-руҳий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллаш имконини берадиган ижтимоий психологик тренинглар тизими ишлаб чиқилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); бўлажак педагог-психологларни маънавий руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари ишлаб чиқилган (Чунг-Анг университети); бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш технологияси ишлаб чиқилган (Россия таълим академияси); бўлажак педагог-психологларни маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда таълимнинг эҳтиёjlари ва талабларидан келиб чиққан бўлажак педагог-психологларни фаолиятига маънавий-руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш методикаси ва замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш, ўқувчилар маънавиятини шакллантириш бўйича қуйидаги йўналишларда устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг фалсафий, психологик ва педагогик имкониятларини кенгайтириш; ўқувчиларни маънавий-руҳий тарбиялашда фойдаланиладиган илғор методларни танлаш, таснифлаш, уларнингтарбияни самарадорлигини ривожлантириш аниқлаш; маънавий-руҳий методикаси мазмунини концептуал такомиллаштириш, уни қўллаш бўйича лойиҳалашга асосланган янги назарий концепцияларни ишлаб чиқиш; бўлажак педагог-психологларни маънавий руҳий тарбия фаолиятига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш-нинг ўқув-методик ва дидактик таъминотини яратиш.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Педагогика фанидан изоҳли луғатда “касб” терминига қуйидагича изоҳ берилган “Касб маҳсус таёргарлик ва иш тажрибаси фаолиятни натижасида маълум бир соҳада касбий амалга ошириш учун

назарий билимлар мажмуасини, амалий қўникумга ва малакаларни эгаллаган, уни жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик хуқуқларини туридир” [2]. Касб танлаш ва касбий фаолиятни шакллантиришга оид масалалар бир қанча педагог олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган. Жумладан: Педагог Х.Абдукаримов ўзининг асарида педагоглик касбининг моҳиятини асослаб, “педагогликдан устун турадиган, педагогни ўрнини боса оладиган касб соҳиби бўлмаса керак” [3] – деган фикрни беради.

Професор Ж.Хасанбоев бўлажак мутахассисларни тайёрлашда касбий фаолиятга эътибор қаратади ва касбий фаолиятга қўйидагича таъриф беради: - Касбий функция тегишли ўқув муассасаларининг битирувчисига тегишли бўлиб, шахснинг ҳаётда эгаллаган соҳасида фаолият кўрсата олиш, ўз касби доирасида билимларини ўзлаштириш ва уларни оғишмай амалда жорий эта олиш фаолиятидир [4].

Професор М.Очилов ўзининг “Ўқитувчи одоби” асарида “Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи кишиларга тааллуқли аҳлоқий нормалар ва талаблар ҳам бор бундай аҳлоқ касб (профессионал) аҳлоқ дейилади...” деган фикрларни беради. Олим бўлажак педагог-психологларни касбий фаолиятга тайёрлашда юксак аҳлоқий сифатларни тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди. Педагог олим А.Холиков ўз тадқиқотида ўқитувчилик касби мазмун моҳиятини асослаб “Педагогик касб - бу комил инсон сифатида ҳаракатлантирувчи ижтимоий аҳамиятга молик фазилатларнинг барқарор тизими” [5] деган фикрни беради.

Олим Б.Х.Рахимов ўз тадқиқотида бўлажак педагог-психологларни касбий маданий муносабатларини тадқиқ этган. Уни фикрича: “Касбий маданий муносабатлар шахслараро амал қиласиган, ижобий муносабатлар ечимида эришишда асосий восита, вазифасини бажаради ва шахс фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиласи.” [6]

Жумладан тадқиқотчи Г.Боймуродовнинг тадқиқотида “Педагогик касбга тайёргарлик самарасини, кўпроқ фанларни чуқур ўзлаштириш ва амалиётда натижасини кўра билишни, чуқурлаштириш” [7] деб таъкидлайди. Юқоридаги олимлар тадқиқотлари юзасидан маълум бўладики, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятига тайёрлаш мураккаб ва кўп қиррали жараёндир.

#### **Касбий фаолият мазмунини асословчи соҳалар:**

Касб хунар-таълим педагогикаси; (Р.Х.Джўраев, С.Т.Турғунов)

Касбий билимдонлик (Х.Тўракулов, Ж.Хасанбоев, Н.Муслимов, Ф.Юзликаев)

Касбга йўналтирилган ўқитиши технологияси (Н.Саидхамедов, Р.Эшмуҳамедов, С.Бозорова, О.Хайдарова)

Касбий маданият (Н.Эгамбердиева, Б.Рахимов, Ш.Шодмонова)

Касбий маҳорат ва лойиҳалаштириш (Р.Х.Джўраев, С.Т.Турғунов)

Касбий тажриба, касбий тарбия, касбий фаолият соҳаси, касбий функция каби касб соҳасидаги, мазмун ва моҳият ҳамда унга қоида таъриф берган тушунчаларни мазмуни юқорида номлари кўрсатилган олимлар ижодига мансубдир [8].

Педагог ва психологларнинг илмий изланишлари асосида бўлажак психолог ва педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик амалиётни ўрни муҳим восита эканлиги аниқланди. Бўлажак педагог-психолог ва ўқитувчиларни касбга тайёрлаш муаммолари устида олимлардан: М.Очилов, Н.Азизходжаева, Ш.Шодиев, Ж.Толипова, Н.Муслимов, У.Нишоналиев, И.Турсунов изланишлар олиб борганлар.

Мустақилликдан сўнг бу муаммо Ш.Шодмонова, А.Ахророва, М.О.Ашурев, А.И.Бугиева, А.Е.Мудрик, В.А.Сластенин, Г.Ибрагимова, ўрганилган. Ю.К.Бабанский, Н.Е.Шукрова, Э.Юзликаева кабилар томонидан ўрганилган.

Педагогика фанлари номзоди Х.Абдукаримов ўзининг илмий тадқиқотини бўлажак педагог-психологлар танлаган касбига нисбатан аҳлоқий муносабатларни шакллантириш муаммосини ҳал этишга қаратган ва бўлажак педагог-психологда қўйидаги аҳлоқий сифатлар мужассам бўлиши кераклигини таъкидлаган:

“Болаларни севиши;

Ўз касбига садоқатли бўлиш;

Назарий билимларни амалиётга тадбиқ эта олишини;”

Педагогика фанлари доктори Б.Рахимов илмий тадқиқотда касбий маданий муносабатлар тизимини яратиб, уни педагогик амалиётда қўллаш мазмун моҳиятини асослаб берган ва қўйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги талабада, айниқса ўқитувчидаги ҳар иккала муносабатнинг, яъни касбий-маданий муносабатларнинг уйғун ва изчил бўлиши ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжи ҳисобланади”.

Профессор Н.Муслимов ўзининг докторлик диссертациясида мутахассисларнинг касбий фаолиятини ташкил этиш борасидаги фикрларни бериб, қўйидаги фикрларни баён этади: “Шахсада касбий сифатларнинг мавжудлиги унинг мутахассис сифатида шаклланганлик кўрсаткичи орқали ифодаланади. Мутахаснинг касбий фаолиятини ташкил этиш жараёни маълум босқичларда кетма-кетликда амалга оширилади” [9]. Бошқа бир олим М.Маҳкамова ўзининг номзодлик диссертациясида педагогик амалиёт мазмунига алоҳида эътибор берган. “Педагогик амалиёт жараёнида талабалар халқимизнинг миллий-маънавий меросидан, улуғ сиймаларнинг муомала одобини шакллантиришга доир таълимотларидан ва илғор замонавий тажрибалардан фойдаланишлари муҳимdir” [10].

Педагогика фанлари номзоди С.Бозорова “Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси” монографиясида касбий-йўналтирилган ўқитиш технологиясига қўйидагича таъриф беради: “Таълим олувчиларда уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахсий сифатларни, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган кўникум ва малакаларни шакллантирадиган технология тушунилади” [11].

**Тадқиқот методологияси.** Бўлажак педагог психологни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик фаолият мазмунининг юқоридаги давлат ҳужжатлари асосида ташкил қилиш, талабаларга бериладиган умумий назарий билимлар билан методика фанларни интеграция асосида қўйидаги олиб бориш мақсадга бўлажак мувофиқдир. Бунда сифатларни педагог-психологда шаклланганлигига эътибор қаратиш лозим.

Педагоглик касбини ихтиёрий танлагани;

Педагоглик касбини эгаллашга доир бериладиган билимларни ўрганишга эътиқод билан қараши;

Ҳар бир методик фанларни ўзлаштиришда амалий машғулотларни қузатиш, адабиётларни таҳлил қилишдаги масъуллиги.

Талабанинг ўз касбий фаолияти ва имкониятларини баҳолай олиши, ўзининг кучли ва кучсиз томонларига баҳо бериши.

Ҳозирги вактда инсонпарварликнинг ғоявий асосларини, шахсни ривожлантириш, унинг дунёқарашини шакллантириш усули сифатида ўрганиш лозим. Таълим билан уни инсонпарварлаштириш ўртасидаги зиддиятни, уни ҳал этишнинг йўллари ва механизмларини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Энг аввало, ижтимоий миқёсда ва алоҳида олинган инсон, унинг моҳиятини англаш-таълим эришган натижа деб қараш керак. Ташқи воситаларда амалга ошириладнган инсонпарварлик билан таълим тизими ва жараёни имкониятлари ҳисобига амалга ошадиган инсонпарварлик, инсоннинг ўз имкониятлари, ўсиб келаётган авлодни шакллантиришда мерос ва новаторлик, ёшларга билим бериш, уни ўқитувчи ёрдамида фикр юритиши ва билим олиши, таълимии фақат мутахасис тайёрлашга мўлжалланганлиги ва вақт тақозоси билан ёш авлод имкониятларини сафарбар этиш - булар таълимда ҳал этиладиган муаммодандир.

Таълимни инсонпарварлаштириш – одамлар дунёқарашида, уларнинг муносабатлари ва ўзаро алоқаларида инсонпарварлик ғояси ва қадриятларини яққол гавдалантириш имкониятини беради. Таълимни инсонпарварлаштириш моҳияти деганда ўз инсонийлик ғоялари билан унинг мазмунини янада бойитиш тушунилади.

**Таҳлил ва натижалар.** Аввалги таълим концепцияси, айниқса, касб-хунар таълим тизими ўз даврини ўтаб бўлди. У таълимда инсонпарварлик ғояларини инкор этарди, шахс ва замон талабларига жавоб бера олмай қолган эди. Бундай таълим билан тўла маънодаги мутахасис етишиб чикмасди. Аслида, инсонийлик мезонига тўғри келмайдиган ҳар қандай таълим муваффақиятсизликка учраши муқаррардир. Бундай таълимни олган ёшлар ижодий имкониятлари, ўз режаларининг моҳияти ва уни амалга ошириш усуllibарини билмас эдилар. Эски конценция инсои ҳаётини касб-хунар билан чеклаб кўйиш мумкии эмаслигини англаб етмас эди. Ҳар бир шахснинг олган таълими субъект сифатида мавжуд бўлади, шунингдек унииг ижтимоий фаоллигини ҳисобга олиш лозим эди. Шу нуқтаи назардан қаралса, анъанавий “касб-хунар тайёргарлиги” тушунчаси мазмунан эскирди ва энди бу ҳақда атрофлича ўйлаб кўриш талаб этилади. Инсонпарварлик концепциясида одамийлик ва одамгарчилик сифатларини киритиш керак. Бу мақсадга эришиш йўлида таълим соҳасида ижтимоийлик ва инсонпарварлик тамоилларини таъминлаш, таълимнинг мазмуни ва мақсадини ўзgartариши, уни кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Хуроса.** Хуроса қилганда, таълимни ижтимоийлаштириш эстетик дунёқарааш, юқори маънавият, маданият ва ижодий тафаккур салоҳиятини шакллантиришни, шундан келиб чиқиб шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш устуворлигини таъминлайдиган касб-хунар таълимининг дастури мазмунини қайта кўриб чиқиши талаб эгади. Бунда ўқувчи шахсида, билимга нисбатан хурмат, фахрланиш ва қадр-қиммат ҳисси қанчалик шаклланганлигига алоҳида аҳамият бериш керак.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.;

2. Инчхонская декларация - Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни|| // [http://unesdoc.unesco.org.;](http://unesdoc.unesco.org./)
3. Ministère de l'Education Nationale, de l'Enseignement Supérieur et de la Recherche de France (2013): Lancement des Ecoles Supérieures du Professorat et de l'Education – Séminaire Préparatoire, Dossier de Présentation, Lundi 1er juillet 2013.
4. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: 2009-210-211-212-213 бет.
5. X.Абдукаримов. Профессиональное воспитания личности учителя в процессе непрерывного педагогического образования. М.: - 1998 – 30 стр.
6. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: 2009 – 213 бет.
7. Очилов М, Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.: Ўқитувчи. 1997-6 бет.
8. Холиқов А. Педагогик маҳорат.Т.: Иқтисод-молия. 2010-24 б.
9. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий маданий муносабатларини шакллантириш тизими. Т.: Фан.2005-10б.
10. Боймуродов Г. Педагогик касбга тайёргарлик самараси. Узлуксиз таълим журнали. 3-сон-42 бет.
11. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т.: 2009-210-211-212-213 бет.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº S/7 (4) – 2024*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
маъсулити чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).